# БАРЧА МАЙДОНЛАРДА ЧИГИТНИ БИР ТЕКИС ВА ТЎЛА УНДИРИБ ОЛАЙЛИК!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 72 (7813). ● 15 апрель, 1982 йил ▲ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

*Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширингиз!*

*Ердан, техникадан, ўғитлардан омилкорлик билан фойдаланингиз!*

*Кўкламги дала ишлари аъло сифатли ўтказилсин! Мўл ҳосил етиштириб, Ватанни қувонтирайлик!*

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН)

## МЎЛ ВА ЭРТАГИ ПАХТА ҲОСИЛИ УЧУН

БУТУН республикада бўлганидек. Тошкент области меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин орденини топшириш пайтида ўз меҳнатларига берилган юксак баҳони катта меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик руҳида кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахта етиштиришни жадал суръатлар билан ўстириш, уни тайёрлашда биринчи ва иккинчи навларини кескин кўпайтириш юзасидан берган кўрсатмаларини бажариш чораларини кўраётган область партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ғўзага ишлов бериш, мўл ва эртаки ҳосил етиштириб, уни йиғиштириб олиш технологиясини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадларга қаратилган конкрет иш олиб бормоқдалар. Бу тадбирлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида маъқулланган.

Областимиз хўжаликлари бу йил кўкламдаги об-ҳаво қийинчиликларини моҳирлик билан енгиб, чигит экишни республикада биринчилар қатори уюшқоқлик билан олти ш кунида тугатдилар. 135,7 минг гектар майдонга чигит сифатли қилиб экилди. Ҳамма майдонларга чигит экиш билан бир вақтда минерал ўғитлар, гербицидлар солинди, эгат олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаати чигитни қисқа муддатда сифатли қилиб экиб олишда катта сафарбар этувчи аҳамиятга эга бўлди. Чигит экишда ишни икки сменада ташкил этиш мақсадида тажрибали механизаторлар билан комплектлаштирилган 2400 дан зиёд экиш агрегатлари қатнашди.

Область механизаторлари фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиб, экиш агрегатлари қувватидан юксак унум билан фойдаландилар. Ҳар бир агрегатнинг қунлик иш унуми 10 гектар ва ундан ҳам ошди.

Пахтадан мўл ва эртаки ҳосил етиштириш илғор технологиясини кенг қўллаб, уни янада такомиллаштириб бораётган областимиз деҳқонлари 125 минг гектар ерга ёки жами майдоннинг 92 процентига чигитни кенг қаторлаб экдилар. Шундан 88 минг гектар майдонга туксизлантирилган чигит аниқ, экадиган сеялкаларда кадалди. 55 минг гектар майдонга ёки 1981 йилдагига нисбатан 30 минг гектар кўп майдонга чигит пуштаграга экилди.

Пахта хом ашёси сифатини ошириш ва ғўзанинг вилтга чалинишини камайтириш учун бу йил кўпроқ вилтга чидамли ҳамда технологик сифати яхши бўлган навли чигитлар экилди. «Тошкент-6» нави 12 минг гектарни. «108-Ф» нави 16 минг гектарни, АН-402 нави 2,5 минг гектарни эгаллади. Экиш олдидан чигитларни тайёрлашда биостимуляторлардан кенг фойдаланилди. 52 минг гектар майдонга янтар кислотаси, 40 минг гектар майдонга А-1 препарати билан ишлов берилган уруғ қадалди. 12 минг гектар майдонга эса, капсулланган чигит экилди.

Бекобод района ҳўжаликлари областда биринчи бўлиб 22,2 минг гектар ерга чигит экиб бўлдилар. Шу районидаги Ленин номли ва Дзержинский номли колхозлар, Ойбек номли ва «КПСС XXV съезди» совхозлари, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва «Коммунизм» колхозлари, Ғалаба районидаги «Ленинград» ва «Победа» колхозлари, «ЎзССР 5 йиллиги» совхози, Пискент районидаги «Гулистон» колхози, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз ва бошқа бир қатор хўжаликлар чигитни 40—50 иш соатида экиб бўлдилар.

Республиканинг бир группа донгдор пахтакорларининг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаб, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган қўшғиналар бригада, участка ва бўлим коллективлари чигит экишни 30—40 иш соатида тугатдилар. Бекобод районидаги Ленин номли колхозидан Адолат Рўзматова, Ойбек номли совхоздан Валламн Тўхтабоев, Бўка районидаги Ҳамза номли колхоздан Саодат Гулаҳмедова, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Абдусаттор Сулаймонов, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозидан Михаил Ковешников, Пискент районидаги Тельман номли колхоздан Қаршибой Ботиров, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозидан Абдумўмин Турғунбоев раҳбарлик қилаётган комплекс бригадаларнинг коллективлари, айниқса, баракали меҳнат қилдилар.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг катта ёрдами чигитни қулай агротехник муддатларда ва қисқа вақт ичида экиб бўлишга ёрдам берди.

Чигитни барвақт экиб бўлган областимиз механизаторлари эндиликда тракторларга культиваторлар осиш, уларни ишчи органлари, қатқалоққа қарши механизм ва бошқа қуроллар билан тўла комплектлашга киришдилар. Улар чигит униб чиқиши билан қатор ораларига дастлабки ишлов беришни бошлаб юборишга шай бўлиб турибдилар.

## БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР!



▲ УШБУ расмларни фотомухбиримиз А. Абалян Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда чигит экиш тугалланаётган пайтда объективга туширган. Набижон Фозилов бошлиқ бригаданинг моҳир механизатори Тошпўлат Юнусов ҳамкасблари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилди. У бригаданинг 83 гектар майдонига тез ва соз чигит экишда механизаторларга ўрнак кўрсатди.

## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

- «Оқ олтин»дан мўл ва сифатли, эртаки ҳосил етиштиришда янада масъулиятли дамлар бошланди.
- Ҳамма ерда чигитни ернинг табиий намига бир текис ундириб олиш учун курашайлик.
- Ниҳоллар кўзга ташланиши билан ғўза қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юбориш учун зарур техника, ўғит ва бошқа воситаларни шай қилиб қўйинг.
- Гектарларда мўлжалдаги кўчатларга эга бўлиш ва уни тўла сақлаб қолиш учун зарур тадбирларни амалга оширинг.
- Ҳар бир колхоз ва совхозда КПСС Марказий Комитети майолди Чақириқларига амалий иш билан жавоб бериш учун ўзаро мусобақани авж олдирайлик.

## ПИЛЛАКОРЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

ПАРКЕНТ. (Ўз мухбиримиздан). Утган йили Паркент райони она-Ватанга 54 тонна сифатли пилла етказиб бердилар ва бу соҳадаги планни 131,7 процентга бажардилар. Ҳар қути қурт уруғидан пландэги 65 килограмм ўрнига 82,5 килограмм хом ашё олинди.

—Бу йилги меррамиз янада юксак, — деди пиллакорлар слётида доклад қилган район партия комитетининг секретари А. Мақсудов, — ҳамма хўжаликлар мавсумга шай турибдилар. Хўжаликлардаги мавжуд тут плантацияларн парвариш қилиниб, янги ниҳоллар ҳисобига кенгайтирилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар «Коммуна» совхозининг директори Х. Мирзакаримов, Калинин номли совхоз партия ташкилотининг секретари А. Сатторов, «Гулбоғ» совхози ишчилар комитетининг раиси С. Хусанов, «Ленинобод» совхози илғор пиллакори А. Шодиева, «Паркент» совхози пиллачилик звеноси бошлиғи Н. Гофуров ва бошқа ўртоқлар бу йилги шароитда пилладан мўл ҳосил олиш учун айни кунларда нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида батафсил тўхтаб ўтдилар.

Слётда район пиллакорларининг 1982 йил учун социалистик мажбуриятлари қабул қилинди. Областнинг илғор пиллакорлари ташаббусига қўшилиб меҳнат қилаётганларнинг сафи кенгайиб бораётганлигини қайд этдилар.

Бир группа илғор пиллакорларга СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг медаллари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВЕТЕРАНЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕШЛАР МУРАББИЙСИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ёш колхозчилар ва совхоз ишчиларига профессионал маҳорат ўргатишдаги, уларда ерни эъзозлаш ва севиш, меҳнатга коммунистик муносабат, қишлоқ хўжалик ҳодими бурчига садоқат туйғусини тарбиялаш соҳасидаги катта хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилсин:

**Абдуқодиров** Холмирза — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номидаги колхоз аъзоси.

**Айхўжаев** Саден — Чиноз районидаги Ф. Энгельс номли колхоз бригада бошлиғи.

**Алиев** Энвер — Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг механизатор-звено бошлиғи.

**Каримова** Робия — Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг бригада бошлиғи.

**Ким Гим-Нен** — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг бригада бошлиғи.

**Назаров** Омон — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози ем-хашак тайёрлаш бригадасининг бошлиғи.

**Шеронов** Ортиққул — Пискент районидаги «Пискент» совхози 6-бўлимининг бошқарувчиси.

**Эшметов** Фасидин — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхозининг асаларичиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1982 йил, 13 апрель.

## В. И. ЛЕНИННИНГ УЧ ТОМЛИК АСАРЛАР ТЎПЛАМИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин танланган асарлари тўпламининг учинчи, сўнгги томини ўзбек тилида босмадан чиқарди.

Тўпламни КПСС Марказий Комитети марксизм-ленинизм институтининг филиали — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти босмага тайёрлаган. Бу нашр В. И. Ленининг республикада ўзбек тилида нашр этилган 55 томлик тўла асарлари тўплами асосида амалга оширилган. Уч томликка Коммунистик партия ва совет давлати раҳбарининг энг муҳим программавий асарлари киритилган.

## «Амалдаги интернационализм»

**Москвадаги Сиёсий адабиёт нашриёти Ўзбекистон ССРга Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени топширилишига бағишлаб Тошкентда ўтказилган тантаналарга оид материалларни ўз ичига олган «Амалдаги интернационализм» китобини нашр этди**

Москвадаги Сиёсий адабиёт нашриёти «Амалдаги интернационализм» китобини босиб чиқарди. Китоб КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширишга бағишланиб 1982 йил 22—25 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган тантаналарда бўлишига оид материалларни ўз ичига олади.

Китобда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали мажлисида сўзлаган нутқи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг тантанали мажлисдаги нутқи, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбати, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўртоқ Ш. Р. Рашидовга Октябрь Революцияси ордени топшириш пайтида сўзлаган нутқи, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан учрашувлари тўғрисидаги ҳисоботлар эълон қилинган.

Ўртоқ Л. И .Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда бўлишини тасвирловчи фотосуратлар кўп нусҳада нашр этилган китобга киритилган.

(ЎзТАГ).

## ИЛҒОР БИНОКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советн қурилиш ва монтаж ташкилотларининг энг муҳим қурилишлардаги социалистик мусобақасининг 1982 йил март ойи якунларини чиқардилар.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советн Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзстроймеханизация» махсус трестига қарашли 2-Олмалиқ ихтисослашган механизация бошқармасининг (бошлиғи ўртоқ Межидов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Бараш, касаба союз қурилиш комитетининг раиси ўртоқ Конькова, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Сидорова) коллективи **В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати объектларини жадал қуриш учун** ўтказилаётган социалистик мусобақада март ойи иш якунлари юзасидан ғолиб, деб топилди. Бу коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти берилди.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг 93-махсус трестига қарашли «Промтехмонтаж» Олмалиқ бошқармасининг коллективи В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати объектларини қуришда март ойида яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг 93-махсус трестига қарашли Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Великанов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Золотарев, касаба союз қурилиш комитетининг раиси ўртоқ Ченцов, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Цвелодуб) коллективи **Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммнак ишлаб чиқариш объектларини жадал қуриш учун** ўтказилаётган социалистик мусобақада март ойи иш якунларига кўра ғолиб, деб топилди. Бу коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти берилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 356-механизациялашган кўчма колоннасининг коллективи, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммнак ишлаб чиқарадиган объектлар қурилишида 1982 йилнинг март ойида яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Ўзбекметаллургстрой» трестига қарашли 2-Бекобод қурилиш-монтаж бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Сафронов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шукурова, касаба союз қурилиш комитетининг раиси ўртоқ Ҳайбуллаев, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Сон) коллективи **В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи объектларини жадал қуриш учун** ўтказилаётган социалистик мусобақада март ойи иш якунлари бўйича ғолиб, деб топилди. Бу коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи билан пул мукофоти берилди. Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Ўзстальконструкция» трестига қарашли «Металлургмонтаж» Бекобод монтаж бошқармаси коллективининг В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи объектларини қуришда 1982 йил март ойида яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

# ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Улар ўн тўрт киши. Республиканинг ирригация қурилишларида уларнинг ҳар бирини яхши билишади. Ўз ишининг ажойиб усталари, янги ерларни ўзлаштирувчилар социалистик мусобақасининг бир неча бор ғолиблари сифатида билишади. Бугун эса Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети ана шу энг яхши ходимларининг номлари яна кўп минглаб кишиларнинг тилларида. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларидан илҳомланган илғор ирригаторлар Россия Федерацияси марказий районларининг ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантиришдан иборат КПСС XXVI съезди белгилаб берган программани тезроқ амалга оширишда рус қардошларга амалий ёрдам бермоқ учун Ноқоратупроқ ўлкага бориб ишлаш истагини билдирдилар.

Шу ватанпарвар-интернационалистларнинг номлари: «Ферганаводстрой» трестининг экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Машраб Раҳимқулов, «Амубухараканалстрой» бульдозерчилар бригадири, Давлат мукофотининг лауреати Теша Ярашев, «Андижанводстрой» трести скреперчилар бригадири, Ҳошим Хўжаев, «Ферганаводстрой» трести комплекс бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Расул Султонов, «Амубухараканалстрой»нинг бульдозер машинисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Жўра Ниёзов, «Андижанводстрой» трестининг тракторчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Иброҳим Жўраев, «Амубухараканалстрой» ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети мукофотининг лауреати Жаббор Раҳмонов, «Ферганаводстрой» трестининг экскаватор машинистлари бригадири, КПСС XXV съезди делегати Раҳмон Ризаев, «Сурхансовхозводстрой» экскаватор машинисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Тагир Насибуллин, «Наманганводстрой» экскаваторчиларининг бригадири, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Раҳмат Ҳакимов, «Андижангидрострой» комплекс комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Абдураим Ўрмонов, «Ферганаводстрой» монтажчи-слесарлар бригадири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Николай Васильевич Смирнов, «Андижангидрострой» комплекс бригадасининг бошлиғи Александр Петрович Козодубов, «Наманганводстрой» скреперчилар бригадири Эркин Содиқов. Уларнинг фотосуратлари Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети босмадан чиқарган махсус плакатда акс эттирилган. Плакатга ватанпарварлик ташаббусининг моҳиятини ифодалайдиган «Қардошлик қонунлари асосида» деган ифодали сарлавҳа қўйилган.

Илғор ирригаторлар ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқлари туфайли кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшилганлиги тўғрисида самимий қалб сўзлари билан ҳикоя қиладилар. Леонид Ильич Брежневнинг республика ирригаторларининг Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришда қатнашишларига тааллуқли сўзларини ирригаторлар астойдил қўллаб-қувватладилар. «Бугунги Ўзбекистоннинг бутун бепоён мамлакатимиз иқтисодий ва маданий ҳаётига, совет халқлари дўстлигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси жуда каттадир, — деди ўзининг ёрқин нутқида Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбари. — Масалан, сизларнинг Ноқоратупроқ ўлкани ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишдаги актив иштирокингизни КПСС Марказий Комитети юксак баҳолайди. Ўртоқлар, бу — амалдаги интернационализм кўринишининг яхши намунасидир. Чунки, ҳозир кўп миллатли мамлакатимиз шароитида интернационализм — аввало, мамлакат барча халқларининг умумфаровонлик йўлидаги ҳалол, виждонли, зўр самарали меҳнатидир».

Ўн тўрт нафар энг яхши ирригатор Новгород области билан бир қаторда Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети кўпгина ходимларининг ғайрат билан ишлайдиган жой бўлиб қолган Владимир областига бориб ишлаш тўғрисида ҳамжиҳат бўлиб бир қарорга келди. Қисқа вақт ичида бу ерда «Узвладимирводстрой» трести ташкил қилинди, «Самаркандская», «Ферганская», «Андижанская» деб аталган ва механизациялашган кўчма колонналар ва республикадаги областлар номи қўйилган бошқа колонналар тузилди.

Илғор механизаторлар Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг қурилиш, саноат ва автотранспорт корхоналари ҳамда ташкилотларининг барча ишчиларига, инженер-техник ходимларига ва хизматчиларига мурожаат қилиб, уларни ўзларидан ибрат олишга даъват этдилар. Ҳозирдаёқ бу мурожаатни кўплаб кишилар қўллаб-қувватладилар.

(ЎзТАГ).

**20 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВ КУНИ**

## ЯКДИЛЛИК ВА ЖИПСЛИК

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. Сайлов олди йиғилишлари меҳнаткашларнинг якдиллиги ва коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашганлиги вазиятида ўтмоқда.

«Ташсантехгазмонтаж» трестининг электр пайвандчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Владимир Степанович Ярыгин; кўп станокчилар ҳаракатининг ташаббускори, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Шоира Холмуҳамедова; «Висотстрой» трестига қарашли биринчи қурилиш бошқармасининг монтажчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Владимир Анатольевич Харитонов халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилдилар.

Сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари ўзларининг энг яхши вакилларини халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янгидан-янги зафарлар қучиб кутиб олишга, КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзларининг XVII съездида, Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларида баён этилган кўрсатмалар ва тавсияларни муваффақиятли равишда амалга оширишга шай эканликлари ҳақида гапирдилар.

(ЎзТАГ).

# Чет эл хабарлари

## ПАП агентлигининг ахбороти

ВАРШАВА. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, ПХР ҳукумати ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товловчи кишиларга нисбатан кўриладиган чоралар тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бундан кузатилган мақсад — текинхўрлик ва у билан боғлиқ бўлган салбий социал ҳодисалар имкониятини истисно қиладиган ҳуқуқий системани яратишдан иборат. Қонун лойиҳаси сейм муҳокамасига қўйилади. Қонун моддалари ишламаётган ва ўқимаётган 45 ёшгача бўлган меҳнатга яроқли гражданларга тааллуқлидир.

## РЕЙГАННИНГ СОХТА ШАРТЛАРИ

**САН-ФРАНЦИСКО. (ТАСС).** Рейган маъмурияти ядро қуролини бундан буён ишлаб чиқариш, синаш ва жойлаштиришни батамом тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги таклифни рад қилар экан, аввал бошданоқ сохта шартларга асосланмоқда. Марказий разведка бошқармаси директорининг собиқ ўринбосари Г. Сковилл «Лос-Анжелес таймс» газетасида эълон қилинган мақоласида шу гапни уқтириб ўтади.

Президент Рейганнинг бу тадбири гўё стратегик қуроллар соҳасида Совет Иттифоқининг устунлигини мустаҳкамлайди, деган даъвоси — асоссиз уйдирмадир, деб таъкидлайди у. Қўшма Штатларда 9 мингта портловчи ядро заряди, Совет Иттифоқида эса 7 мингта портловчи ядро заряди бор. Умуман олганда, деб уқтиради автор, ҳар бир томон бир-бирини неча марталаб йўқ қилиб ташлаш имкониятига эга бўлиб қолган бир шароитда бирон-бир давлатнинг устунлиги тўғрисида гапириш уччига чиққан бемаъниликдир.

Рейган маъмуриятининг икки мамлакат ядро потенциалларининг мавжуд даражасини кўпайтирмай тўхтатиб қўйишни текшириб бўлмайди, деган фикрига ҳам қўшилиш мумкин эмас. Ядро потенциалларини кўпайтирмаслик фикрининг душманлари бу қадам ядро қуролини синашдан ва янги қуролни жойлаштиришдан батамом воз кечишни билдиришини, буни замонавий техника воситалари ёрдамида контрол қилиш осонлигини жўрттага эътибордан четда қолдирмоқдалар, деб таъкидлайди автор.

Шундай қилиб, деб уқтиради Сковилл, ядро қуролини кўпайтирмасликка қарши маъмурият кўрсатаётган важлар мутлақо тутриқсиздир. Мақола автори президент Рейганни бу таклифга ўз муносабатини қайта кўриб чиқишга чақирди ва бу таклиф амалга оширилган тақдирда ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва ядро уруши хавфини тугатишга муҳим ҳисса қўшган бўлур эди, деб уқтирди.

## АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Араб мамлакатлари коммунистик ва ишчи партияларининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: фаластинлик араб халқининг Исроил оккупацияси режимига қарши олиб бораётган курашини бостириш юзасидан қонли операциялар билан амалга оширилаётган Исроилнинг агрессив хатти-ҳаракатлари кескин кучайиб кетганлиги АҚШнинг тўла розилиги ва унинг бевосита рағбатлантириши билан давом этмоқда.

Араб миллий озодлик ҳаракатини бостириш, деб уқтирилади баёнотда, Яқин Шарқдаги стратегик жиҳатдан муҳим районларда ўз позициясини мустаҳкамлашга ҳамда регионадаги мамлакатларнинг нефть бойликлари устидан назорат ўрнатишга қаратилган Америка империализмининг умумий сиёсати доирасида ўтказилмоқда.

Араб мамлакатлари коммунистик ва ишчи партиялари демократик партиялар ва халқаро ташкилотларни ягона қонуний вакил — Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарлигида фаластинлик араб халқининг босиб олинган араб ерларини озод қилиш, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат даҳлсиз миллий ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда ўз мустақил давлатини тузиш учун курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

## АНГЛИЯ — АРГЕНТИНА МОЖАРОСИ

**ЛОНДОН. (ТАСС).** Фолкленд (Мальвин) ороллари теварагидаги можарода Англия билан Аргентина қуролли тўқнашув эҳтимолига таъгин ҳам кўпроқ яқинлашиб қолдилар. «Дейли телеграф» газетаси АҚШ давлат секретари А. Хейгнинг Лондонга визит қилиб, Англия бош министри М. Тэтчер билан учрашганини шарҳлаб, мана шундай хулоса чиқаради. «Жуда кўнгилсиз вазият вужудга келмоқда», деб қайд этади Лондондаги бошқа бир «Дейли мейл» газетаси.

А. Хейг М. Тэтчер билан ва Англия ҳукуматининг бошқа министрлари билан қарийб 12 соат давом этган музокаралардан кейин бундай деди: шу муҳокамалар давомида биз бир мунча силжишга эришдик, аммо ҳали бир қанча катта қийинчиликлар бор. Ярашдан ҳеч қандай асар йўқ, урушга тайёргарлик кўриш борасида иккиланиш ҳам, тинчиш ҳам сезилмаяпти.

А. Хейг Англия билан Аргентина ўртасидаги муносабатларда «боши берк кўчадан чиқиш йўлини асло топа олмади», деб якунлайди «Дейли мейл» газетаси. «М. Тэтчер, деб ёзади газета, Аргентина қўшинлари Фолкленд оролларидан тўла-тўкис ва ҳеч бир шартсиз чиқиб кетмас экан, Англиянинг Жанубий Атлантикага юборилган зарбдор ҳарбий-денгиз кучлари ўз йўлидан қайтмайди, деб АҚШ давлат секретариға очиқ-равшан тушунтирди».

Гарчи Америка маъмурияти Англия — Аргентина можаросида «бетараф позицияда» туришини неча марталаб айтган бўлса ҳам, Оқ уй воқеалар ҳар қандай тус олган тақдирда ҳам Американинг Жанубий Атлантикадаги позициялари сақланиб қолиши ва мустаҳкамланишини таъминлаш мақсадида зўр бериб пинҳона иш олиб бораётганини А. Хейгнинг сафари амалда кўрсатди.

Жумладан, бу нарса АҚШ давлат секретарининг Фолкленд (Мальвин) оролларида Қўшма Штатларнинг иштироки билан «уч томонлама маъмурият» тузиш планини Англия билан Аргентинанинг олдига қўйганлиги тасдиқлаб турибди. Рейтер агентлигининг Буэнос-Айресдан хабар қилишича, Аргентина ташқи ишлар министри Н. Коста Мендес бу таклифни қатъиян рад қилиб, Аргентинанинг Мальвин ороллари устидан суверенитетини тан олишга асосланмаган ҳар қандай план мақбул эмаслигини айтган.

Матбуотда қайд этилишича, АҚШ Жанубий Атлантикада Шимолий Атлантика пактига ўхшаш ҳарбий блок тузишни режалаштирмоқда. «Дейли телеграф» газетасининг ёзишига қараганда, бу блокда, Вашингтоннинг фикрича, жумладан, ЖАР, Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай кириши керак. Бу лойиҳанинг тафсилотлари сир тутилмоқда, деб таъкидлайди газета. Америка маъмурияти кўзлаётган мақсадлар орасида кейинчалик Фолкленд оролларидан АҚШнинг ҳарбий базаси сифатида фойдаланиш режаси ҳам тилга олинмоқда, бу эса Атлантика океанидан Тинч океанга чиқиш йўлини назорат қилиб туриш имконини берган бўлур эди.

Бу ерда маълум бўлишича, А. Хейг Лондонга келишдан олдин Буэнос-Айресга қилган сафари вақтида Аргентина қўшинларини оролдан олиб чиқиб кетиш, у ердаги губернатор лавозимини тугатиш ва Фолкленд оролларидаги Аргентина байроғини тушириш тўғрисидаги таклифни ўртага қўйган эди. У Лондонга қайтиб келгач, Аргентина оролдан чиқиб кетиш ниятида эмаслиги ва у ерга тикилган ўз байроғидан воз кечмаслиги, шунингдек губернатор лавозимини бекор қилишга рози бўлмаслиги тўғрисида ахборот берди.

Лондон матбуотининг фикрича, М. Тэтчер Фолкленд оролларини ҳарбий куч ёрдамида қайтариб олмоқчи эканини айтиш орқали, бемалол иш кўриш имкониятидан ўзини маҳрум қилиб қўйиб, шу тариқа ўзининг сиёсий истиқболини Аргентина билан бўлган можаро қай натижа билан тугашига бутунлай боғлиқ қилиб қўйди. Лондондаги, «Таймс» газетасининг сўзларига қараганда, А. Хейг АҚШнинг НАТОдаги энг содиқ иттифоқчиларидан бири — М. Тэтчернинг иложсизликдан истеъфога чиқиш эҳтимоли борлигидан ташвишланмоқда.

Газеталарнинг таъкидлаб ёзишига қараганда, бош министрни кабинетдагилар менсимай қўймоқда, ҳукуматнинг кўпгина аъзолари уни «унчалик оқилона сиёсат» юргизмаётганлиги учун танқид қилмоқдалар. Парламент аъзолари бўлган консерваторларнинг бир қисми айтишича, гарчи М. Тэтчер ўзининг энг яқин ихлосмандларидан бири бўлган Ж. Ноттни мудофаа министри лавозимида вақтинча сақлаб қола олган бўлса ҳам, чамаси у тез орада истеъфо беришга мажбур бўлади. Ташқи ишлар министри лавозимидан яқинда кетишга мажбур бўлган лорд Каррингтондан кейин у М. Тэтчернинг ҳукуматдаги вазиятни юмшатиш пайида қурбон қилган иккинчи министри бўлади.

**НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС).** Эн-Би-Си телекомпанияси Аргентинанинг Пуэрто-Белграно ҳарбий денгиз базасидан хабар қилишича, у ерда ҳарбий кемаларга ўқ-дори ва озиқ-овқат ортиш давом этмоқда. «Қўмондонлик вакилларининг маълум қилишича, деб уқтирилади эшиттиришда, базада тўла жанговар шайлик ҳолати жорий этилган ва солдатларга ҳар қандай пайтда жанговар ҳаракатлар бошланиши мумкин, деб эълон қилинган». Аргентиналикларнинг гапига қараганда, улар яқин вақт ичида Фолкленд оролларига қўшимча ҳарбий хизматчилар ва енгил танклар юбормоқчи бўлиб турибдилар.

Эй-Би-Си телекомпаниясининг Буэнос-Айресдан берган репортажида Аргентина ҳукумати Англия билан ҳарбий муҳолифлик бошланиши эҳтимолини истисно этмаяпти, деб хабар қилади. Ҳукуматнинг мажлиси тамом бўлгач ташқи ишлар министри Н. Коста Мендес Аргентина ўз территориясига қилинадиган ҳар қандай ҳужумни қайтаришга тайёр, деб таъкидлади.

«Нью-Йорк таймс» газетаси бундай деб ёзади: Аргентина Перунинг Фолкленд ороллари районида уч суткалик яраш ўрнатиш тўғрисидаги таклифини қабул қилган ва энди Лондон бунга нима деркин, деб кутиб турибди.

Рейган маъмурияти Англия—Аргентина можаросидан фойдаланиб, ўзининг Ғарбий Европадаги иттифоқчиларига тазйиқни тобора кучайтирмоқда ва уларни ҳарбий қудратни ошириш программасини жадаллаштиришга қистамоқда. АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари министри Ж. Леманнинг «Крисчен сайенс монитор» газетаси мухбирига берган баёноти шуни кўрсатиб турибди. Министр Қўшма Штатларнинг НАТОдаги шерикларидан ўз ҳарбий денгиз флотларини модернизациялаш ва қайта қуроллантиришни, уларнинг жанговар потенциалини кучайтиришни қатъий оҳангда талаб қилди. Министрнинг гапига қараганда, Фолкленд (Мальвин) ороллари теварагидаги воқеалардан Шимолий Атлантика иттифоқи учун чиқариб олиниши лозим бўлган сабоқ айни мана шундан иборат эмиш.

**ПАНАМА, (ТАСС).** «Гарчи Қўшма Штатлар ўзини «холис» қилиб кўрсатишга уринаётган бўлса ҳам, — деб ёзади Панамада чиқадиган «Критика» газетаси, — унинг ҳатти-ҳаракатлари ўзининг НАТОдаги содиқ иттифоқчиси Англияни қўллаб-қўлтиқлаётганидан далолат бериб турибди». Панамада чиқадиган яна бир «Републикада» газетасининг фикрича, Англия — Аргентина можароси Лотин Америкаси мамлакатлари билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг келажагини шубҳа остига қўяди, чунки АҚШ очиқдан-очиқ Буюк Британиянинг мустамлакачилик муддаоларини қўллаб-қувватламоқда.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ПЛЕНУМИДАН

# ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

ТОШКЕНТ область касаба союзлари Советининг пленуми бўлиб ўтди. Унда область касаба союзлари Совети раиси А. В. Брандлов «Область касаба союз ташкилотларининг СССР касаба союзлари XVII съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезддаги нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

СССР касаба союзлари XVII съезди мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Съездда ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар ленинчи партия теварагига маҳкам жипслашганлиги, улар совет халқининг туб манфаатларини ифода этувчи сиёсатни изчиллик билан амалга оширишга азму қарор қилганликлари ёрқин намойиш этилди. Съезд совет касаба союзлари партиянинг омма ўртасидаги ишончли таянчи эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Съезд касаба союз ташкилотларининг хўжалик фронтидаги асосий вазифаларини белгилаб берди. Областимиз касаба союз ташкилотлари область партия комитети ва жойлардаги партия ташкилотлари раҳбарлигида сўнгги йилларда социалистик мусобақани ривожлантириш юзасидан катта ишлар қилдилар. Улар халқ хўжалигининг барча тармоқларини, ҳар бир коллективни бу ҳаракатга жалб қилдилар. Ҳозирги вақтда область бўйича мусобақада 1 миллиондан ортиқ киши қатнашмоқда, 700 минг ишчи меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида қатнашмоқда, улардан 290 минг киши коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номни олишга сазовор бўлган.

2700 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ўн бешлар ташаббусига қўшилиб, ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик ва ундан ҳам кўпроқ йилларга мўлжалланган топшириқни бажариш учун курашмоқдалар, шаҳар ва қишлоқларнинг 70 мингдан ортиқ ишчи-хизматчилари шахсий беш йилликни уч, уч ярим ва тўрт йилда бажариш мажбуриятини олишган. Меҳнат коллективларида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа тобора авж олаяпти.

Докладчи ва музокарада қатнашган «Миконд» заводи ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, СССР касаба союзлари XVII съезди делегати Л. Трушина; «Узэлектромонтаж» трести бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР касаба союзлари XVII съезди делегати М. Саидов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитети раиси, СССР касаба союзлари XVII съезди делегати Т. Ражабов, Ўзбекистон металлургия заводи касаба союз комитетининг раиси Б. Миркомилов, Калинин районидаги теплица комбинати сабзавоткори, СССР касаба союзлари XVII съезди делегати, ВЦСПС аъзоси Б. Худойқулова ва бошқа нотиқлар асосий эътиборни мавжуд камчиликлар, ҳал қилинмаган муаммоларга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун мавжуд резервлардан фойдаланиш йўлларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда кўрсатган проблемаларни ҳал қилишга қаратдилар.

Ана шундай проблемалардан бири ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаслигидир. Ҳали ҳам иш вақти кўплаб йўқотилмоқда, прогуллар бартараф этилмаган, фақат ана шу камчиликларни йўқотиш билан область саноати ўтган йили қўшимча 40 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин эди.

Барча касаба союз ташкилотлари меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва тартибни кучайтириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилишлари керак. Улар хўжалик раҳбарлари билан бирга меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари билан чуқур шуғулланишлари, меҳнат коллективларида зиммага олинган юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш учун зарур шароитларни вужудга келтиришлари керак.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, комплекс озиқ-овқат программасини амалга ошириш бўйича касаба союзлари олдида катта вазифалар турипти. Корхоналар ва ташкилотлар ҳузурида ёрдамчи хўжаликларни, колхозчилар ва совхозлар ишчиларининг шахсий хўжаликларини ривожлантириш, боғдорчилик ва деҳқончиликни кенгайтиришга қаратилган йўлни бундан буён аҳм давом эттириш лозим.

Касаба союзлари ижтимоий бойликка хўжайинларча муносабатда бўлишни, хом ашё ва материалларни, ёқилғи ва бошқа энергетика ресурсларини тежаб-тергаб сарфлаш масалалари билан муттасил шуғулланишлари лозим.

Докладчи ва музокарада қатнашган нотиқлар маҳсулот сифатини яхшилаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, қўл меҳнати сарфини камайтириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини кенг жорий қилиш, доимий ишлаб чиқариш кенгашлари фаолиятини яхшилаш, меҳнаткашларнинг иш шароитларини енгиллаштириш, корхоналарни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс планларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолига медицина, маиший ва савдо хизматини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум область касаба союзлари Советининг доимий комиссияларини сайлади, бўлим мудирларини тасдиқлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов, Узсовпроф секретари Х. В. Нуъмонов, ВЦСПСнинг масъул ходими П. А. Базаев қатнашдилар.

# «МЕН ҲАМ ИШЧИ БЎЛАМАН...»

ИЛЬМИРА уйга қувноқ ҳолда қайтди. Эшикдан кириши билан кечки сменага ҳозирланаётган онаси ва дадасига хушхабарни тезроқ етказиб, уларни хурсанд қилишга ошиқди.

— Дадажон, ойижон, сизларга бир янгилик айтмоқчиман.

Боғдан ва Гульсина қандай янгилик экан дегандек қизларига тикилиб қолишди.

— Мен анчадан бери тузиб юрган режам амалга ошадиганга ўхшайди: техникумдан сизнинг заводингизга йўлланма беришди.

Боғдан мамнун бир қиёфада хотинига қаради.

— Яхшилаб ўйлаб кўрдингми, — деди она ўзининг норози эканлигини яширишга уриниб.

— Бўлмасамчи! Сизлар билан ишлашни кўпдан орзу қиламан. Ўзингизни ҳам бундан хабарингиз бор-ку.

— Шундай-куя, қийналиб қоларминкансан, деймана. Ахир қиз болага осон эмас кун бўйи станок қаршисида тик оёқда туриш. Менга қарама. Ҳозир хурсандман, албатта. Лекин, пушаймон бўлган пайтларим кўп бўлган. Яхши ҳам даданг бор экан. Бунга 20 йил бўлди. Ҳозир вақт бошқа.

— Онаси, қизинг ҳам сен каби ишлаб кетади. Буни Ильмиранинг шу туришидан ҳам билиб олиш мумкин.

Қизининг қатъият тўла кўзлари қувончдан порлаб кетди. Гульсина ҳам истар-истамас майин жилмайди.

* * *

— Ҳорманглар, ҳорманглар!

Боғдан ва Гульсина ялт этиб овоз келган томонга ўгирилишди. Бу цех смена мастери Жамол ака Мирсодиқов эди. Эр-хотин бу хушмуомала мастерни жуда ҳурмат қилишарди. Завод ташкил этилгандан бери ишлаётганлигини, яқинда эса Халқлар Дўстлиги ордени нишондори бўлганлигини яхши билишар ва бу воқеадан чин дилдан севинишарди.

— Мана, — деди Жамол ака улар билан сўрашиб бўлгач, ёнидаги ёш йигитчани кўрсатиб, — сизларга янги шогирд олиб келдим. Исми Рашид. Тошкент Политехника институтининг кечки бўлимида ўқийди. Булар эса цехимиз илғорлари — Бахтиевлар бўлади. Белгиланган нормани мунтазам ошириб билан бажарадилар...

Мастер ҳар қанча мақтаса ҳам бу икки ишчи унга лойиқ эдилар. Улар ҳар бир минутнинг қадрига етадилар. 60 секундда тайёрланадиган қолипни 40 секунд ичида фойдаланишга топширадилар. Ҳар смена 500 ўрнига 650 — 700 тадан қолип ясашяпти. Бахтиевларнинг кечаги шогирдлари бўлмиш И. Сафаров, Р. Отажоновлар бугун илғорлар сафидан ўрин олган. Иш сифатини ошириб, план топшириқларини 120 — 125 процентга етказмоқдалар.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 8-қуйиш цехи илғор қолипловчилари Боғдан ва Гульсина Бахтиевлар бу йил зўр иштиёқ билан СССРнинг 60 йиллигини кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу йилдан бошлаб мусобақага яна бир ёш токарь, асбобсозлик цехи ишчиси Марсель Бахтиев ҳам актив қўшилди. У ёш токарлар ва қолипловчилар баҳсида илк бор қатнашиб, конкурс ғолиби бўлди. У ўз оиласига муносиб — ишчи номини олганлигидан ҳақли равишда фахрланади.

Яқинда ишчи Бахтиевлар яна биттага кўпайди. Ильмира техникумни тугаллар экан, социалистик мусобақа ғолиблари бўлмиш кекса ишчилар изидан бориш ниятида. Шунинг учун ҳам келгусидаги режалари билан қизиққан кишига ҳеч иккиланмай, фахр билан «мен ишчи бўламан» деб жавоб беради.

Д. ҚОДИРОВА.

▲ ПОЙТАХТДАГИ «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти фақат мамлакатимиздагина эмас, балки қатор чет элларда ҳам машҳурдир. Ўтган йили тошкентлик кабелчилар корхонанинг 40 йиллик юбилейини нишонлашди. Суронли уруш йилларида вужудга келган завод ҳозир республикадаги йирик индустрия марказларидан бирига айланди. Суратда: тайёр маҳсулот участкаларидан бири.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

# САФАРБАРЛИК КУЧАЙДИ

ЎН БИРИНЧИ беш йилликнинг иккинчи йили баҳори ўлкамизни гул ва чечакларга буркади. Ҳозир барчанинг қалби яшаш ва яратиш ишқи билан тепмоқда.

Бу йилги баҳорнинг руҳи ва тароватн ўзгача. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг жонажон республикамизга учинчи Ленин ордени топширилишига бағишланган тантаналарда сўзлаган ёрқин нутқи, пахтакорлар меҳнатига берилган юксак баҳо калбларимизни ифтихор туйғуларига тўлдирди. Ўлкамиз меҳнат аҳли бу юксак баҳога жавобан яна ҳам сифатли ва самарали ишлашга бел боғлади.

ЛАБЗИ ҳалол пахтакорлар барча қатори бу йил ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Районимиз «оқ олтин» ижодкорлари СССРнинг шонли юбилейи нишонланадиган йилда она Ватан хирмонига 30 минг тонна пахта ҳосили етказиб бериш учун кураш бошладилар. Гектар бошига 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга қарор қилинди.

Бу юксак марра зиммамизга яна ҳам чуқур масъулият юклайди. Коммунистлар, барча меҳнаткашлар пахта етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш имконини берувчи қўшимча резервларни ишга солишга киришмоқдалар. «Авангард», «Оқ олтин» совхозлари чўлқуварлари бу йил янги ерлар ҳисобига пахта майдонларини яна ҳам кенгайтирдилар. Барча хўжаликлар чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрган ҳолда келди.

Пахтакорлар ер, техника, уруғ тайёрлашга алоҳида эътибор бердилар. Экиш олдидан ерлар текисланди, техника яна бир бор синовдан ўтказилди, чигит марказлашган усулда заводлардан ташиб келтирилди.

Чигит экишни тез ва соз ўтказишда область пахтакорлар совети тавсиялари барча хўжаликларга қўл келди. Маълумки бу тавсиялар область партия комитети томонидан маъқулланган эди. Район партия комитети чигит экишни сифатли тугаллаш устидан яна ҳам пухта назорат ўрнатиш мақсадида ҳар бир хўжаликда сиёсий комиссарлар тайинлади. Улар кечаю кундуз экипаж аъзолари билан бирга бўлдилар, пахтакорлар учун зарур шароитлар яратиб бериш устида қайғурдилар. Дала шийпонларида иссиқ овқатлар ташкил этилди, механизаторлар ва сеялкачиларнинг дам олишлари учун қулай шароитлар яратиб берилди.

Механизаторлар бу ғамхўрликка жавобан яна ҳам унумли ишлашга интилдилар. Экиш мавсумида районимиз хўжаликларида 357 та агрегат тиним билмай ишлади. Улар кучи билан мавжуд 22 минг 525 гектар пахта майдонининг барчасига чигит 50—60 иш соатида экиб бўлинди. Бугунги кунда биз биринчи синовдан муваффақиятли ўтган чапдаст механизаторларнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтмоқчимиз. «Коммунизм» совхозидан Турсунбой Ғафуров, А. Мавлонов номли совхоздан Шоим Қўзибоев, Дзержинский номли колхоздан Ўтамурод Сайдуллаев, «Далварзин» совхозидан Ҳаким Жўраев каби моҳир механизаторлар кунига 13—15 гектар майдонга чигитни сифатли экдилар. Улар ўз агрегатларини мавсумга ҳар томонлама пухта тайёрлаганликлари учун ҳам ишлари унумли бўлди. Экиш техникаси мавсумда тиним билмай ҳаракат қилди.

Кўпгина меҳнат коллективлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиб чигит экиш муддатини яна ҳам қисқартиришга муваффақ бўлдилар. Ленин номли, Дзержинский номли колхозлар, Ойбек номли, «Партия XXV съезди» совхозлари коллективлари чигит экишни илгари белгиланганидек 7 кунда эмас балки бутун ишчи кучларини намунали уюштириб 5 кунда тугаллашга муваффақ бўлдилар. Ленин номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Адолат Рўзиматова, Ойбек номли совхоздан икки марта Ленин ордени кавалери Валлами Тўхтабоев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар чигит экишни биринчилар қатори тугатганликлари ҳақида рапорт бердилар. Улар СССРнинг 60 йиллиги шарафига ҳосилдорликни 65 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Илғорларнинг бу ташаббуси ҳозир барча хўжаликларда қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг ташаббусига биринчилар қатори қўшилган А. Мавлонов номли совхоздан Шоим Қўзибоев бошлиқ бригада аъзолари гектар бошига 55 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш учун кураш бошладилар.

Эрта экилган далаларда чигит униб чиқди. Куни кеча район партия комитетининг Дзержинский номли колхозда бўлиб ўтган кўчма бюроси мажлисида биз бундан буёнги вазифаларни конкрет белгилаб олдик. Ҳозир агрегатларга культиваторлар осиш тугалланиб қолди. Бугун-эрта ниҳолларни культивация қилиш, ундан кейин эса ёппасига ишлов бериш бошлаб юборилади. Ҳар бир агротехника тадбирининг ўз вақтида сифатли ўтиши устидан ҳозирданоқ пухта назорат ўрнатмоқдамиз. Бинобарин Тошкент технологияси биздан шуни талаб қилаяпти. Бундан буёнги бутун ишимизни шу технология асосида ташкил этамиз.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақада бекободликлар дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Чигит экишни областда биринчи бўлиб тугалладилар. Бундан буён ҳам биз шу кўтаринки руҳни сақлаб қоламиз. Юбилей йилида пахтадан рекорд ҳосил олиб Ватанни мамнун этамиз. Бошқа соҳаларда белгиланган юксак марралар ҳам муваффақиятли эгалланади.

**Э. ХАТАМОВ,**

Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари.

НОМОЗ ХУДОЙНАЗАРОВ Бўка районидаги Тимирязев номли колхознинг тажрибали механизаторларидан. У 40 гектар ерга дон учун ва 51 гектар майдонга силос учун маккажўхори экишда жонбозлик кўрсатган эди. Чигитни қисқа муддатда ва сифатли қилиб экишда ҳам касбдошлари ўртасида пешқадамлик қилди. А. Мальцев фотоси.

# ҲОСИЛ КЎЧАТДАН ОЛИНАДИ

[БЎКА РАЙОНИДАГИ «БЎКА» СОВХОЗИ ДИРЕКТОРИ Ж. АННАЕВ БИЛАН СУҲБАТ]

**ХЎЖАЛИГИМИЗ янги очилган қўриқ ва бўз ерлар базасида ташкил этилган. Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат. Бизга керакли техника, ўғит ва бошқа моддий-техника воситалари ўз вақтида етказиб берилаяпти. Деҳқонларимиз бу ғамхўрликка жавобан йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириш, она-Ватанга мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили етказиб бериш учун кучғайратларини аямасдан меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили районимиз бўйича салкам 80 минг тонна «оқ олтин» етиштирилди. Бунга бизнинг совхозимиз пахтакорлари ҳам озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшганликлари билан фахрланадилар.**

БУ йил хўжалигимиз бўйича 2700 гектар ерда ғўза ўстирилади. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган пахтакорларимиз ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни 37 центнерга етказишни мўлжаллаб қўйдилар. Бундай хирмон кўтаришнинг ўзи бўлмайди, албатта: гектарларда кўчатлар белгиланган миқдорда бўлиб, бу ниҳоллар тўла сақлаб қолингандагина мақсадга эришиш мумкин. Шунинг учун биз экиш ишларини тез ва соз ўтказиш учун барча чора ва тадбирларни амалга оширдик.

Совхозимизнинг 2-бўлими миришкорлари бу соҳада пешқадамлик қилдилар ва биринчи бўлиб экишни тугалладилар. М. Гарипов, Р. Шохобиддинов, С. Эшонбеков ўртоқлар бошлиқ экипаж аъзолари меҳнатда жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар агрегатларини сифатли ремонтдан чиқариб, қайта-қайта текшириб кўрган эдилар. Натижа жуда яхши бўлди. Ҳамма агрегат бир маромда ишлаб турди. Мавжуд 12 та сеялка билан кунига ўртача 10—12 гектар ерга чигит экилди. 7 та ҳайдов трактори, 8 та борона ва чизел машиналари ерни пешма-пеш тайёрлади. Бўлимнинг О. Нурекеев, Т. Мирраев ўртоқлар бошлиқ бригадалари айниқса юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Совхозимизнинг Ўринбой Норқўзиев бошлиқ 1-бўлими пахтакорлари ҳам ўзаро мусобақада олдинги сафда бормоқдалар. Чигит экишнинг тугалланиши арафасида мен ана шу бўлимнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, таниқли пахтакор, моҳир механизатор Мария Ковалева бошлиқ бригадасида бўлдим. Бригада деҳқонлари кўтаринки руҳда эдилар.

— КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентимизга келиши ва республикамизга Ленин ордени топширилиш вақтида сўзлаган нутқидаги қўйилган вазифаларни бизлар ҳам пухта ўрганиб чиқдик,— деди Мария Ковалева, — ва бунга жавобан бу йил ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдик.

Донгдор пахтакорнинг далаларини айланиб, улар ўз сўзларининг уддасидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдим. Бу ерда ҳар бир кичик бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд. Айниқса, Мариянинг шогирди Ўрозгул Букриева меҳнатига ҳамма тан беради. У айрим кунлари 12 гектарга етказиб чигит экди. Ўрозгулга ўхшаган азаматлар бор экан, биз албатта ўз сўзимизнинг уддасидан чиқамиз. Мўл ва сифатли пахта етиштирамиз, — дейди бригадир.

Дастлабки эришилган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлаш учун кураш кундан-кунга авж олдирилмоқда. Биз ўтган йили техникадан самарадорлик билан фойдаланиб, ҳосилнинг кўп қисмини машинада териб олишга муваффақ бўлган эдик. Ана шунинг учун ҳам пахтамизнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди. Хўжалигимиз экономикаси мустаҳкамланди, деҳқонларнинг турмуш фаровонлиги янада юксалди. Бу йил машина терими соҳасидаги тажрибаларимизни янада бойитамиз. Ғўза парваришн даврида ҳар бир бўлим, бригадада агротехника тадбирларини машина теримини кўзлаган ҳолда амалга оширамиз. Мўл, сифатли пахта етиштириш учун ҳар туп ғўзани авайлаб ўстирамиз. Ғўза парвариши ҳар бир циклини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун курашамиз, бунинг учун бизда барча имконият, техника мавжуд. Ўз касбининг устаси бўлган, теримда катта тажриба тўплаган механизаторлар ҳар бир бўлим ва бригадада меҳнат қилмоқда. Уларга кадрлар бириктириб қўйилади. Бу механизаторлар бригада бошлиқлари, агрономлар, звено бошлиқлари маслаҳати асосида иш юритиб, машина теримига пухта замин яратиш учун ҳаракат қиладилар.

ТАШАББУСКОРЛАР ИЗИДАН

## СИФАТЛИ ПАХТА ЕТИШТИРАМИЗ

ТАДБИРКОР деҳқон ҳамиша мўл ҳосил етиштиришни кўзлаб меҳнат қилади. Йилдан-йилга юксакроқ хирмон уюшни ўйлайди. Бизнинг бригадамизда ҳам ана шундай ишбилармон, меҳнатсевар деҳқонлар ишлашади. Шунинг учун ҳам йилдан-йилга қўлга киритилаётган ютуқларимиз салмоқли бўлиб бормоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 70 гектар майдонда «оқ олтин» етиштирдик. Ҳар гектар ердан пландаги 37 центнер ўрнига 49 центнердан ҳосил олинди. Етиштирилган «оқ олтин»нинг асосий қисмини юқори сортларга топширдик.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилдаги режаларимиз янада улкан. Ҳар гектар ердан 53 центнердан пахта етиштиришга қарор қилдик. Албатта, бундай юқори ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Биз буни тўғри ҳисобга олиб барча имкониятларини ишга солмоқдамиз.

Мўл ҳосил олиш учун курашни чигит экишдан бошладик. Ҳозирги кунда бригадамизга қарашли 64 гектар майдонга барака уруғи қадаб бўлинди. Эндиги вазифа чигитни ернинг ўз намига ундириб олишдан иборат. Халқимизда кўчат тўлиқ — ҳосил бўлиқ деган нақл бор. Шунинг учун ҳам биз коллективимизда меҳнат қилаётган тажрибали пахтакорлар билан маслаҳатлашиб, экилган уруғликнинг тўла ва беҳато униб чиқишини таъминлашга қаратилган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқдик. Шунингдек, ғўзаларга ўз вақтида ва сифатли ишлов бериш учун барча машина ва механизмларни шай қилиб қўйдик. Ғўза қатор ораларига культивация билан биргаликда солиш мақсадида дала бошларига чиритилган маҳаллий ўғит жамғарилди.

Ваъда вафоси билан гўзалдир. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси зиммага олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун фидокорлик билан меҳнат қиладилар.

**Ч. ДАГИР,**

Ғалаба районидаги Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи.

## БИЗ БИР ЁНДАН...

**МЎЛ пахта ҳосили етиштиришда механизаторнинг роли катта. Чигит экишдан тортиб, ҳосил йиғиб-териб олингунча бўлган даврда у деҳқон оғирини енгил қилиб келади. Ана шу ишларнинг юксак сифатли бажариш мўл-ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга. Бизнинг хўжалигимизда меҳнат қилаётган механик-ҳайдовчилар буни жуда яхши билишади.**

**Бригадамизга 2 та трактор бириктирилган. Уларни мен ва Аслон Усмонов бошқарамиз. Иккимиз куздаёқ бригадага қарашли экин майдонларини мавсумга тайёрлаш учун меҳнат қиламиз. Маҳаллий ўғит ташиб чиқардик. Эрта баҳорда эса бу майдонларни текислаш, боронапаш каби юмушларни ҳам ўз вақтида ўтказдик. Сифатли тайёрланган майдонларга энг қисқа муддатда барака уруғи қадаб чиқилди. Бунда коллективимизнинг Хайитбой Ҳасанов, Тўлаган Аширов сингари сеялкачилари чигитни нормал тушишини таъминладилар.**

**Областимизнинг бир группа илғор пахтакорларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда 142 гектар ернинг ҳар гектаридан 47 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш мажбуриятини олдик.**

**Э. ИКРОМОВ,**

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин йўли колхозининг 11-бригадаси механизатори.

# ИШ БОШИДАН ПУХТА БЎЛСА

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

ОЧИГИНИ айтганда ўтган йилги ишларимиздан кўнглимиз тўлмади. Тўғри, пахта планини бажардик, ундан олдинги йилдагига нисбатан бирмунча ҳосилни кўп ҳам бердик. Лекин ҳозирги кунимизнинг талаби нуқтаи назардан ишимизни баҳолайдиган бўлсак, кўрсаткичларимиз анча паст эканлиги маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам мутахассисларимиз, уста пахтакорлар, механизаторлар билан биргаликда ўтган йил якунларини атрофлича таҳлил қилиб чиқдик. Маълум бўлишича, агротехник тадбирларни амалга ошириш жараёнида бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Айрим бригадаларда гектарлар тўла, кўчатлар бут бўлмаган. Мавжуд ғўза тупларини кўз қорачиғидай асраб, пахта пишиб етилгунга қадар тўла сақлаб қолиш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмаган. Парвариш даврида ҳам экинни суғориш, культивация қилиш, озиқлантиришда айрим нуқсонларга йўл қўйилди.

Шунинг учун ҳам биз ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили учун зиммамизга юксак мажбурият олар эканмиз, ҳар бир ишни бошидан пухта қилишга қатъий қарор қилдик. Аввало ерларни экишга сифатли тайёрлашга жиддий эътибор берилди. Бороналаш ишлари юксак савияда ўтказилиб, ерда намни сақлаб қолишга қаратилган жиддий чоралар кўрилди. Экиш олдидан механизаторлар билан алоҳида машғулот ўтказдик. Улар маҳоратларини обдон синаб кўрдилар. Область пахтакорлар Советининг чигит экишни қулай муддатларда ва сифатли ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирлари ҳар бир бригадада, звенода пухта ишлаб чиқилди. Кунлар исиб, ер қизий бошлагач экишни кучайтириб юбордик.

Экиш даврида ўзаро мусобақа авж олдирилди. Колхозимизнинг Бўрибой Алибоев, Муҳаммадали Нуриев, Ойдин Хурсанов ўртоқлар бошлиқ бригадалари ўтган йили 42—45 центнердан хирмон кўтарган эдилар.

Биз уларнинг илғор иш тажрибаларини колхозимизнинг 2, 3, 4 ва 5 бригадаларида ҳам кенг қўллаш тадбирларини амалга оширдик. Чунки бу бригадаларда ўтган йили ҳосилдорлик 32—35 центнерни ташкил этган эди. Агар колхозимизда 17 та бригаданинг ҳаммаси ҳам илғорлар даражасида хирмон кўтарганларида, қўшимча 570 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олган бўлар эдик. Агитаторларимиз, пропагандистларимиз далаларда бўлиб, чигит экиш илғорларининг тажрибалари билан қизиққанларида ана шу масалага катта эътибор бердилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун ишни бошидан пухта қилиш керак эканлигини уқтирдилар. Механизатор звено бошлиқлари Абдумалик Олламуродов, Аҳмад Мамедов, Ойхўжа Саидаҳмедов, Муҳаммаджон Абдулазимов сингари ўртоқларнинг ишидан ғоятда хурсандмиз. Улар дала ишлари қаҳрамонлари, мусобақа ғолиблари сифатида ҳамманинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлдилар.

Чигитнинг экиб бўлиниши —бу мўл ҳосилга замин яратиш йўлидаги дастлабки босқич ҳисобланади. Ҳали асосий иш олдинда. Деҳқонларимиз буни яхши биладилар. Эндиги бутун диққат-эътибор барча майдонларда чигитни ернинг табиий намига ва бир текис ундириб олишга қаратилиши лозим. Шу мақсадда биз махсус тадбирлар белгилаб чиқмоқдамиз. Бу тадбирларда ҳар бир картанинг тупроқ шароити ҳисобга олинади. Бригада бошлиқлари, механизаторлар, мутахассислар ҳар ерни, даланинг аҳволини кузатиб борадилар. Карта четлари, ўқариқ бўйлари ҳам бўш қолмайди. Қўлда чигит экиб чиқилади. Мақсад ҳар гектар ерда мўлжалдаги кўчатни ундириб олишдан иборатдир.

Ниҳоллар кўзга ташланиши билан қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юборамиз. Бунинг учун мавжуд техникани шу кунларда пухта созлаб қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз. Культиваторларга ғўза қатор ораларига бирйўла ўғит солиб кетадиган мосламалар ҳам ўрнатилади. Биринчи ишлов пайтида далаларга чиқариб солиш учун керакли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитларни жамғариб қўйганмиз. Сувчиларимиз ҳам ҳозирдан тайёргарлик кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг майолди чақириқлари хўжалигимиз пахтакорларини ҳам янги марраларга р... лантириб юборди. Илғор бригада бошлиқларимиз областимизнинг бир группа пахтакорлари ташаббусига қўшилиб, гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун сўз бердилар. Колхозимиз бўйича ҳам ҳосилдорлик ўтган йилдагига қараганда кескин оширилади.

**К. ЭГАМБЕРДИЕВ,**

**Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси.**

# ЯХШИ НИЯТ ЙЎЛДОШИ

Сандвали ака эрталаб тўғри уйдан 11-бригада томон кетди. Иш куни бошланиши олдидан бу ерда митинг бўлиши керак эди. Бригада аъзолари митингни ўтказиб ёппасига чигит экишни бошламоқчи бўлишибди. Кеча бригада бошлиғи Қадирбой Мауленов партком секретарига шуни маълум қилган эди.

Осмон мусаффо. Ҳаво тоза. Тонгнинг илиқ шабадаси машина дарчасидан ёпирилиб ичкарига кираяпти. Шамол билан бирга гул ва майсаларнинг хушбўй ҳиди ҳам димоққа урилаяпти. Сандвали аканинг таин яйраб кетди.

Бригада аъзолари дала шийпонига қўйилган стулларга бирин-кетин келиб ўтиришди. Шийпон шинам. Яқиндагина ремонтдан чиққан. Хоналарда телевизор, радио, холодильник. Кираверишдаги стол устида эса газета ва журналларнинг янги сонлари териб қўйилган. Шийпон пештоқига осилган шиорлар зарбдор меҳнатга чорлайди.

Митингда дабдабали гаплар бўлмади. Бригада бошлиғи ҳам, механизаторлар ҳам коллектив белгилаган янги марраларни содда қилиб ифодалаб бердилар.

— Ўтган йили ҳаммангларга маълум, гектар бошига 45 центнердан пахта ҳосили етиштирган эдик, — деди Қ. Мауленов.— Бу йил коллектив руҳи яна ҳам баланд. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонга учинчи Ленин ордени топширилишига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқи, пахтакорлар меҳнатига берган юксак баҳоси барчамизни руҳлантириб юборди. Бу баҳо кўнглимизни тоғдек кўтарди. Яна ҳам унумли, яна ҳам сифатли ишлашга жазм этдик. Бу йилги маррамиз — 50 центнер. Қаршилик қилмасанглар қўшни 8-бригада аъзоларини мусобақага чақирамиз.

Қадирбой ака «рақиби»ни топиб гапирган эди. 8-бригада бошлиғи Борис Трофимович Хан ҳам ўтган йили ҳосилдорликни салкам 50 центнерга етказган эди. У ҳам Қадирбой акага ўхшаб Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени билан тақдирланган.

Бригадирнинг таклифини ҳамма қўллаб-қувватлади.

— Орзу қилиб кутган дамларимиз етиб келди, — деди механизатор А. Баратов. — Ҳаво юришиб тупроқ қизиди. Ҳозир чигит экишнинг айни пайти. 50 центнерлик хирмонга замин бугундан бошлаб қўйилади. Чигитни қулай фурсатларда ўз намида ундириб олсак — марра бизники.

Митинг тугаши билан далаларни машиналар овози тутиб кетди. Агрегатларнинг бирига А. Баратов, иккинчисига С. Турдиқулов ўтирди. Сеялкачилар барабанларни чигит ва минерал ўғитларга тўлдиришди. Ерга дастлабки барака уруғи ташланди.

Сандвали ака мамнун эди. Республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаати

### МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

пахтакорларга янги куч ва ғайрат бахш этганлигини у юракдан ҳис этарди шу дамда.

Ўша куни бошқа бригадаларда ҳам чигит экиш ёппасига бошлаб юборилди. Ҳар бир бригада коллективи Мурожаатга жавобан бу йил гектар бошига ҳосилдорликни 4—5 центнерга оширишга бел боғлаган эди. Бўлиб ўтган митингларда шунга қарор қилинди.

Сандвали ака колхоз партия комитетига 12 йилдан бери секретарлик қилиб келмоқда. Колхоз партия ташкилоти ҳисобида ҳозир 223 коммунист ва партия аъзолилига кандидат бор. Секретарь дала ва фермаларда бўлганида улар билан доим бир-бир суҳбатлашади, таклиф ва мулоҳазаларига қулоқ солади.

Коммунистларнинг таклифи билан экиш кампанияси бошланиши олдидан колхозда сифат комиссияси тузилди. Бош мутахассислар, участка мудирлари, ишлаб чиқариш новаторлари комиссия аъзолигига сайланишди. Партком секретари Сандвали Турсунов комиссияга бошчилик қилди.

Комиссия аъзолари экиш олдидан барча пайкалларни бир-бир айланиб чиқишди, механизаторлар билан суҳбатлашишди. Сўнг шу текширув якуни партия комитетининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди. Мажлисга бригада бошлиқлари ҳам таклиф қилинди. Улар олдида бош агроном ва бош инженер ахборот берди.

Муҳокама давомида яна янги-янги фикрлар туғилди. Экиш сифатини тўла таъминлаш мақсадида сеялкачиликка халқ контроли постларининг аъзолари тавсия этилди. Ҳар бир бригадага партком аъзоларидан сиёсий комиссарлар тайинланди. Мана шундай тайёргарликдан сўнггина далаларга чигит экиш агрегатлари чиқарилди...

Сандвали ака ўша куни Николай Ли бошлиқ 7-бригада далаларида ҳам бўлди. Шу дамда кун яримлаб одамлар тушликка чиқишган эди. Дала шийпонининг ўзида қозон қайнаяпти. Катта руҳ самовар патиллаб турибди. Очиқ шийпон ораста. Янги полослар тўшалган. Радиодан енгил куй янграяпти.

— Ҳар гектар ерга 55—60 килограммдан уруғ тушаяпти, — деди Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати механизатор Собир Қодиров партком секретари билан суҳбатда. — Тушгача менинг ўзим етти гектар ерни қўлдан чиқардим. Тушдан кейин ҳам суръат пасаймайди. Чигитга аммофос, калий, гербицид қўшиб экилаётгани яхши бўлаяпти. Озуқанинг кучи, ернинг нами билан уруғ тезда униб чиқади.

Секретарь бригада аъзолари билан бир пиёла чой ичишган бўлди-да сўнг идорага қайтди. Идора жим-жит. Раис ҳам, бош агроном ҳам ҳозир дала бошида бўлиши керак. Колхоз зоналарга бўлинган. Ҳар бир зона колхоз раҳбарларининг оталиғида. Саидвали ака юқори зонадаги ишларга жавобгар. Раис билан бош агроном эса марказий ва қуйи зоналарга бириктирилган.

Бир неча кун 24 сеялканинг ҳаммаси кенг далалар бўйлаб сузиб юрди. Бу йил 1032 гектар ерга чигит қадалди. «Ўзбекистон» колхози аъзолари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан бу йил пахта ҳосилдорлигини пландаги 34 центнер ўрнига 40 центнерга етказишга аҳд қилишган.

**Ж. НОСИРОВ,**

**Коммунистик райони.**

# МЕҲНАТЛАРИГА ЯРАША

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган совхозимиз меҳнаткашлари ҳамма соҳаларда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Эришилган муваффақиятларга бизнинг бўлимимиз деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган йили 569 гектар ерда деҳқончилик қилдик. Ҳар гектар ердан пландаги 31 центнер ўрнига 34 центнердан, жами 1917 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Бу йил бўлимимиз заршунослари ҳосилдорликни кескин ошириш мақсадида бир қанча тадбирларни ишлаб чиқдилар. Биз, айниқса, дала ишларининг юксак сифатли бўлишига алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Коллективимизнинг Сайфи Гулмамедов бошчилик қилаётган 5-бригадаси деҳқонлари бу борада барчага ўрнак кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар. Бригадада бир неча йилдирки бажарилаётган ишга ҳақ тўлашда ишнинг сифати — асосий ўлчов бўлмоқда. Бу тажрибани кенг қўллай бошладик. Натижада бажарилаётган ишларнинг салмоғи ҳам ортиб бормоқда.

**Биз мўл ҳосил учун курашни кузги шудгордан бошлашни одат қилганмиз. Экин майдонларини ҳайдашдан олдин маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор бердик. Шунингдек, куздаёқ ғўза қатор ораларига ишлов даврида солиш учун гектарига 5 тоннадан чиритилган маҳаллий ўғит жамғариб қўйилган. Кўрилган тадбирларнинг ҳаммаси баҳорги дала ишларининг қисқа вақт ичида юксак сифатли ўтказилишини таъминлади.**

**Ҳозирги кунда бўлимимизга қарашли экин майдонларига чигит экиб бўлинган. Бироқ, бу баҳорги юмушлар тугади деган гап эмас, асло. Чунки уруғликни ернинг намига ўз вақтида ундириб олиш, ишлов бериш ва озиқлантириш келгусида мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эгадир.**

**Эндиликда чигит экишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган бўлимимизнинг Муртоза Дадаев, Абдулла Қурбонтоев, Холбой Бердимуродов ва Вафо Нуров каби механизаторлари культиваторларни яна бир бор кўздан кечириб чиқмоқдалар.**

**СССРнинг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун барча резервларни ишга соламиз. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, асосий эътиборни ҳосилнинг юқори навли бўлишини таъминлашга қаратамиз. Тошкентда Ўзбекистон ССРга Ленин орденини топширишга бағишланиб бўлиб ўтган тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ҳам бу ҳақда алоҳида тўхталиб, пахта сифатини ошириш кераклигини уқтириб ўтди. Биз пахтакорлар бундан амалий хулоса чиқариб, эртаги, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш чораларини кўришимиз керак.**

**Бунинг учун далада меҳнат қилаётганларга барча имкониятларни яратиб бермоқдамиз.**

**Н. ЖЎРАЕВ,**

Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг бўлим бошқарувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

# КЕКСАЛАР ИЗЗАТДА

Залворли тоғлар чўққиларида қолган қор уюмлари, сал пастроқда бир-бирига жўр бўлиб қўшиқ бошлаган кумуш жилғалар қуёш нурида жилоланади. Кўм-кўк адирлар, ранго-ранг гулларга бурканган шафтолизор, ўрикзорлардан таралаётган муаттар иснн енгил шабода узоқ-узоқларга элтади. Товоқсойнинг мусаффо ва хушбўй ҳавосини симқорган кишининг руҳи тетиклашиб қалбида табиатга муҳаббат, яшаш ва яна яшашга иштиёқ туйғуси жўш уриши шубҳасиз.

Меҳнат ветеранлари ва Улуғ Ватан уруши инвалидларининг республика пансионати ана шундай сўлим масканга жойлашган. Оромгоҳ учун ажратилган майдоннинг бағри кенг. Ўн етти гектар жойдаги мевали боғ, кун чиқар томонга қараб қулоч ёзган уч қаватли ойнаванд бинолар, турфа гуллардан поёндоз ёзган хиёбон, ҳар томонга зилол заррачалар пуркаётган фаввоpалар — ҳамма-ҳаммаси конга роҳат бағишлаб, умрга умр қўшади.

Пансионат директори Валентина Николаевна Романенко, партия ташкилотининг секретари Турсунбой Шодиловлар билан корпусларни айланамиз. Ҳар ойда 250 нафар кишининг хордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун бу оромгоҳда барча қулайликлар яратилган. Ҳар бир хона икки дам олувчига мўлжалланган бўлиб, унинг шинамлиги, ёруғ ва озодалиги эътиборни тортади. Бир неча фойеларга телевизорлар қўйилган.

Биллиардхона, шахмат-шашка хонаси, 7 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона доимо дам олувчилар билан гавжум. Узун зал бўйлаб юриб пансионатнинг даволаш участкасига ўтдик. Бу ерда Шоира Алимова, Мария Посохова сингари врачлар, М. Саитова, Л. Самаркина каби ҳамширалар кексалар қошида парвона. Участкада физиотерапия, парафин, массаж, ингаляция кабинетлари, ваннахоналар бор.

### ИНСОН ҚАДРИ

— Ҳозиргина парафин хонасидан чиқдим, — дейди Қашқадарё областидан келган отахон Усмон Тўхтаев, — барака топкурларнинг қўли енгил экан, — бел оғриғим қолиб кетди.

Областимизнинг Чиноз районидан бориб дам олаётган пенсионер Ваҳоб ота Раҳимов билан суҳбатлашдик:

— Ҳаётимнинг қирқ йилдан кўпроғини колхоз ишига бағишладим. Кейин пенсияга чиқдим. Тўғрисини айтсам, давлатимизнинг бу қадар саҳий ва ғамхўрлигидан баъзан тўлқинланиб кетиб, кўзимга ёш оламан. Бу жойда учинчи бор бўлишим. Ҳар гал мени илиқ ва ширинсўзлик билан кутиб олишади.

Пансионатда республикамизнинг деярли ҳамма областларидан келган дам олувчиларни учратдик. Хусусан, Бухоро областидан хордиқ чиқаришга келган кекса аёл Александра Федоровна Горбачева шифохона — оромгоҳда тўрт маҳал сифатли таомлар берилаётгани, эҳтиёжга қараб парҳез овқатлар тайёрланаётгани ҳақида миннатдорчилик билдириб гапирди.

Бу шифохонада дам олувчилар билан ўтказилаётган маданий-оммавий тадбирлар ҳам диққатга сазовор. Ўтган ойда Бўстонлиқ районининг болалар хори, аёллар ансамбли ижросида концерт кўрсатилди. Район «Билим» жамиятининг лектори Абдурашид Раҳимбердиев ўқиган халқаро мавзудаги лекция ҳам хордиқ чиқарувчиларда катта таассурот қолдирди.

Республика пансионатида кўнгилли дам олишни таъминлаш мақсадида Оқтош, Чорвоқ зоналарига, Тошкент, Чирчиқ шаҳарларига ҳар ойда экскурсиялар уюштирилмоқда. Ҳар ҳафтада икки марта кинокўрсатувнинг йўлга қўйилиши, дам олувчилар ёрдамида концертлар уюштирилиши ҳам бу ерга келганларни хушнуд этмоқда.

Шу беш йилликда пансионат яна 200 ўринга кенгаяди. Янги бинонинг пойдевори асосан қўйиб бўлинди. Ҳозир оромгоҳ учун йилига 336 минг сўм ажратилаётган бўлса, беш йиллик охирига бориб янги корпус ишга тушгач, бу кўрсаткич 500 минг сўмга етади.

С. ҲАСАНОВ.



▲ ЎРТА ОСИЁ механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтида пахта териш машиналарини янада такомиллаштириш борасида кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суратда: (ўнгдан) техника фанлари кандидати Б. Усаров, техника фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган механизатор Д. Иполянский, илмий ходим А. Дўстқуловлар лабораторияда.

Н. Шарипов фотоси.

АҲОЛИ ТАЛАБИ БИЛАН

## МАРШРУТЛИ ТАКСИЛАР

Кейинги йилларда районимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Турли манзилларга элитувчи автобусларнинг қатъий график асосида қатнови йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда белгиланган маршрутлар бўйича қатнайдиган 36 та автобус район меҳнаткашлари хизматида.

Шундай бўлса-да, ҳозирги шароит аҳоли учун шаҳарнинг ўзида ҳам транспорт хизматини йўлга қўйишни тақозо қиларди, чунки бундай транспорт хизмати шаҳар аҳолисининг ўз меҳнат жойларига, ўқиш ва бошқа манзилларга барвақт келишлари учун қулайлик туғдирган бўларди.

Бу ҳақда шаҳар меҳнаткашларидан халқ депутатлари Пискент шаҳар Совети ижроия комитетига қатор шикоят, аризалар ҳам тушган эди. Аҳолининг бу талаби шаҳар Советининг йиғилишида муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди.

Яқинда шаҳар кўчаларида «Раф» маркали маршрутли таксилар қатнай бошлади. Мазкур маршрутли таксилар Мингтепа, Алавий кўчаси, сут заводи жойлашган кўчалар ҳамда Ленин кўчаси бўйлаб «Пискент» совхози сут-товар фермаси оралиғида график бўйича мунтазам қатнамоқда.

А. МАЛЛАХЎЖАЕВ.
Пискент.


## Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

### СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17, 18 апрель соат 19.00 да

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

«ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

### КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЁҚУБОВА

Солистлар: опа-сингил Олмагул ва Урбугул СУИЕРБОЕВАЛАР, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза СОЛИҲОВА, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА, Клара ХЎЖАЕВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўғилжон ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.

«Лазги» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Бош балетмейстери — Мунаввар ИСРОИЛОВ.

Музика раҳбари — Нурилла ЖУМЁЗОВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

17 апрелда ўтказиладиган концертдан йиғилган маблағ тинчлик фондига топширилади.

### МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

18—25 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

«АПЕЛЬСИН» ВОКАЛЬ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

### ГАСТРОЛЛАРИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Тину ААРЕ.

Концертда Бутуниттифоқ конкурси лауреати ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ЧОЛҒУ «НАВО» АНСАМБЛИ

иштирок этади.

КОНЦЕРТЛАР 18, 24, 25 апрелда соат 14, 17, 20.00 да; 19, 20, 21, 22, 23 апрелда соат 17 ва 20.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали кассаларида соат 10 дан 19.00 гача, «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» кассаларида соат 14.00 дан 20.00 гача сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Концерт кунлари спорт зали атрофига қатнайдиган транспортлар сони кўпайтирилади ва шахсий транспортлар учун тўхташ жойи ташкил этилади.

46-03-12, 46-07-53 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

АНГРЕН ШАҲРИДАГИ
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1982—1983 ўқув йили учун
СИРТҚИ БЎЛИМГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

### СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институтга ўқув ва тарбиявий ишларга алоқадор бўлган шахслар қабул қилинади: рус тили ва адабиёти бўлимига миллий мактабларни тугатганлар, ўзбек тили ва адабиёти, география (ўқитиш ўзбек тилида), математика (ўзбек тилида).

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАРДАН ҲУЖЖАТЛАР 20 АПРЕЛДАН 31 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 ИЮНДАН 20 ИЮНГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Студентлар сафига қабул қилиш 21 июндан 20 июнгача ўтказилади.

Қабул масалалари бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилиш мумкин: 702500, Тошкент область, Ангрен шаҳри, 48-квартал, 1-уй, III-корпус. Сиртқи бўлим қабул комиссияси.


## Спорт

### «Соҳибкор»нинг тўртинчи ғалабаси

Яшил майдонда осонгина енгиладиган рақиб бўлмайди. Гарчи, андижонлик футболчилар бу йилги мавсумни нисбатан муваффақиятсиз бошлаган бўлсалар-да, ўтган куни Халқободда «Соҳибкор»га қарши жанговар ва чиройли ўйин кўрсата олишди. Буни икки сабаб билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, «Шаҳрихончи» командасининг катта тренери Н. Медних икки йил мобайнида енгийўллик йигитларга устозлик қилган. Команданинг кучли ва заиф томонларини яхши билади. Иккинчидан, шаҳрихонликлар аввалги турда «Янгиер»дан йирик ҳисобда мағлуб бўлишганди.

Шунинг учун ҳам ўйиннинг ҳар икки команда ҳам ҳужумкорлик руҳида бошлади. Аста-секин ташаббус майдон эгалари қўлига ўтиб борди. Лекин, меҳмонларнинг ҳимоя чизиғи мустаҳкам эди. Улар уюштирилган ҳужумни қандай илиб бўлса-да, қайтаришга ҳаракат қилишарди. Айни вақтда қарши ҳужум учун қулай имконият яратишарди.

Шу тариқа ўйин гоҳ у, гоҳ бу коллектив устунлигида давом этди. Учрашув тугашига 12 минут вақт қолганида, меҳмонлар ҳимоячилари ўз жарима майдонларида ўйин қоидасини бузадилар. «Соҳибкор»нинг ҳимоячиси Евгений Бузникининг 11 метрлик белгидан киритган ягона тўпи учрашув тақдирини ҳал қилди.

«Соҳибкор» бу сафар ҳам аввалги составда майдонга тушди. Команда капитани Александр Самойлов, ҳимоячи Альферо Дитрих, ҳужумчи Собир Ризаматовларнинг ҳаракатлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Умуман Халқободлик йигитлар ўйиндан-ўйинга чиройли комбинациялар кўрсатиб, ишқибозларни мамнун этишмоқда. Шунинг учун ҳам стадионга келувчилар сони муттасил ортиб боряпти. Ўтган матчда «Халқобод» стадиони томошабинлар билан тўла бўлди.

Шу турда «Старт» ўз майдонида турнир пешқадами — «Навбаҳор»ни қабул қилди. Бу учрашувда ҳисоб очилгани йўқ. Сафардаги дуранг наманганлик футболчиларни жадвалнинг иккинчи поғонасига суриб қўйди. Ўз майдонида «Пахтакор»ни 1:0 ҳисобида енгган «Динамо» 11 очко билан энди якка карвонбошилик қилаётир. «Соҳибкор» эса 8 очко билан учинчи ўринда турмоқда.

Шу турнинг қолган ўйинлари қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хива» — ЦОР —3:0, «Наримоновчи» — «Олой» — 1:0, «Амударё» — «Зарафшон» — 1:1, «Ёшлик» — «Хоразм» — 0:0, «Ҳисор» — «Хўканд» — 3:0.

Навбатдаги тур ўйинлари 20 апрелда бўлиб ўтади. «Соҳибкор» Навоийда турнир жадвалида 4-ўринни эгаллаб турган «Зарафшон» билан куч синашади.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

# МЕЪМОР

(ОЧЕРК)

ЭЛЛИГИНЧИ йилларнинг биринчи ярмида республика Архитекторлар союзида кўндаланг турган масалалардан бири — қайта қурилиши лозим бўлган Олмалиқ шаҳрига бош архитектор тайинлаш эди. У ерда табиат ҳодисаларига, об-ҳаво шароитига, бой тарихий-маданий ёдгорликлар ва миллий анъаналар талабларига жавоб бера оладиган бинолар қад кўтарган Олмалиқ яратиш лозим эди. Бу чинакам ижодий изланиш, меҳр ва муҳаббат билан кашфиётлар яратиш деган сўз. Бу масалани ҳар томонлама ижобий ҳал этилиши учун Олмалиққа изланувчан, талабчан архитектор жўнатиш керак эди.

Бу гаплардан Собирнинг ҳам хабари бор, аммо у бу лавозимга ўзининг номзоди тасдиқланишини мутлақо кутмаганди.

— Ўғлим, бундай ишонч ҳар қандай ёш ижодкорга ҳам насиб қилавермайди,— деди институтда сабоқ берган устозлардан бири Абдулла Бобохонов. — Меъморчилик санъатига бўлган муҳаббатинг, истеъдодинг ва билимингни синаб кўриш пайти келди. Оқ йўл, ўғлим!..

Собир устозининг сўзи ва Архитекторлар союзида билдирилган фикрлардан зиммасига катта масъулият юкланаётганини англади, ички бир қувонч ва ҳадик билан уйга йўл оларкан, хаёллари чувалашиб кетди...

Олмалиқ — Тошкентнинг жанубий қисмидан етмиш километр олисликдаги Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Денгиз сатҳидан олти юз—олти юз эллик метрлар чамаси юқори бўлган бу шаҳар республика рангли металлургиясининг маркази ҳисобланади. Йигирма беш минг аҳолиси бор.

Шаҳарнинг архитектура қурилиши мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак. Бу муаммони ҳал этишда территория, ландшафт, иқлим, аҳолининг қулай жойлашиши, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг илмий таҳлили ва юксалиш босқичларига жиддий эътибор бериш зарур. Бу осон кўчадиган иш эмас: излаш, ўрганиш, энг муҳими, дадил бўлиш талаб этилади.

Олмалиққа боргач, у энг аввало архитектор Валерия Козимировна Анкудович билан ҳамкорликда шаҳарнинг социал ва маданий маиший қурилишлар бўйича беш йиллик планини тузиб чиқди. Энди унинг кунлари ҳам, тунлари ҳам архитектурага оид адабиётларни мутолаа қилиш, географик шароитни ўрганиш, чизмалар, лойиҳалар устида соатлаб ўтиришдан иборат бўлиб қолди... Бир йил ўтар-ўтмас —1956 йилда Собир Одиловнинг лойиҳаси асосида қурилган биринчи бино фойдаланишга топширилди. Бу —280 ўринли болалар боғчаси эди.

Боғчанинг дастлабки лойиҳаси саксон ўринли эди. Олмалиқнинг эртанги кунги эҳтиёжи бунга сиғмайди, ахир. Собир шу ҳақда фикрларкан, боғчани кенгайтириш масаласини ўйлади. Бу тўғрида у ўзи билан ҳамкорлик қилаётган архитектор Ашот Андреевич Балаевга маслаҳат солди.

— Сенинг фикринг тўғрику-я, — деди Балаев, — лекин лойиҳа сен келгунингга қадар аллақачон тасдиқланиб бўлган. Қурилиш ишлари ҳам шунга яраша сметалашган. Уларни қайта ташкил қилиш ҳам вақт, ҳам сворагарчилик, ҳам маблағ дегандек...

— Ҳозир озгина вақт ва маблағдан қизғанишимиз, бир неча йилдан кейиноқ жуда катта маблағ ва овворагарчиликка олиб келишини биласанми, дўстим, — куюниб тушунтира кетди Собир. — Бу ер чинакам ишчилар шаҳарчасига айланиб кетади. Ҳали неча ўнлаб янги оилалар, чақалоқлар дунёга келади. Мана кўрасан, сену мени шошириб қўяди улар. Шунинг учун ҳам доноларнинг «эртанинг руҳи билан яшаш керак» деган нақлини бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз даркор...

Институтни бундан икки йилгина аввал тамомлаган, энди 23 баҳорни қаршилаган бу йигитнинг теран мулоҳазаси, кенг фикрлилиги Ашот Андреевичга маъқул келди. Икки ҳамкасб яна анча суҳбатлашишди. Собир Одилов янги боғчанинг лойиҳасини бугуноқ бошлашни кўнглига тугиб, иш кабинетига йўл олди.

Собир Олмалиқда етти йил ишлади. Ўзининг қобилиятли меъмор, талабчан раҳбар эканини кўрсатди. У ишлаган йиллар мобайнида Олмалиқнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Равон йўллар, хушқад бинолар қурилди. Шаҳар унинг кўз ўнгида яшариб, гўзаллашиб борди.

Кейин уни Тошкент область бош архитектори қилиб тайинладилар. Бу ерда у янаям кенгроқ планда иш олиб борди. Область районларидаги шаҳар, қишлоқ ва посёлкалар қурилишлари Чотқол тоғларидан тортиб то Самарқанд дам олиш зоналаригача, Жиззах ва Сирдарё областидаги замонавий архитектура қурилиши ишлари билан шуғулланди. Оққўрғон ва Тўйтепа, Янгибозор ва Чиноз район марказини реконструкция қилишда ижодий изланиши ва истеъдодли, гўзалликка бўлган муҳаббати ва тажрибаси билан бош бўлди.

1966 йил эса... Эҳ... буни Собир Раҳимович шу кунларда ҳам ҳаяжонсиз эслолмайди. Зилзила Тошкентнинг юрагини сирқиратиб ташлади. Бекиёс дўстлик, мустаҳкам биродарлик кудрати синалган давр бўлди, бу. Тошкентга ўшанда қардош республикалар, Москва ҳамда Ленинграддан қурувчилар ўз коржомаларини билан келдилар. Тошкентликлар бошига тушган кулфатга бутун мамлакат ҳамдард бўлди. Собир ака ўша кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Тошкент шаҳри бўйича қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари эди.

Кенгашлар, мажлислар, шошилинч лойиҳалар устида баҳслар...

Зилзила оқибатларини тугатишдаги ижодий ташаббуслари, иқтидори, раҳбарлик маҳорати учун Собир Раҳимович Одилов «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланди. Ватаннинг бу мукофоти унга куч, илҳом берди. Гулистон ва Андижонда, Тошкент ва Жиззахда қурилган Озодлик хиёбонлари, маданият ва истироҳат парклари лойиҳаларига авторлик қилди. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи», «Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати» деган шарафли номларга сазовор бўлди.

1975 йил унинг ҳаётига зар саҳифа бўлиб қўшилди. Пойтахт марказини, В. И. Ленин хиёбонини қуришдаги меъморчилик иқтидори учун бир гуруҳ архитекторлар, инженерлар қаторида СССР Давлат мукофоти лауреати бўлди.

СССР 50 йиллиги юбилейи арафасида ишга туширилган Тошкент метроси қурилишидаги алоҳида жонбозлиги, актив иштироки учун эса унинг кўксига 1978 йили «Халқлар дўстлиги» орденини тақиб қўйишди.

* * *

Шаҳарнинг Беруний майдонидаги мўъжаз ҳовлилардан бирида тантана. Кексайиб қолган бўлишига қарамай Ҳидоят хола дам ўчоқ бошига, дам дастурхон тузатаётганлар олдига бориб қарашади. Унинг дилбар келини Робияхон, ўғил, қиз набиралари эрта-тонгданоқ тантана тараддудини бошлаб юборишган.

Робияхон тез юриб ташқарига чиқди. Қайнотаси— Одил акадан кейин бориб, Собир Одиловни — болаларининг адажонисини «СССР халқ архитектори» унвони билан табриклади. Қизлари, ўғиллари... хиёл ўтмай ер-дўстлар, ҳамкасблар ҳам келишди. Табриклар, қутловлар бир-бирига уланиб кетди.

Замира РЎЗИЕВА.

▲ В. А. БУГАЕВ номли Ўрта Осиё регионал илмий-текшириш гидрометеорологик институти ва Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва гидрометеорологик бошқармаси ходимлари мамлакатимизда биринчи бўлиб ўлкамиз қор қалинлиги ва сув ҳавзаларидаги обиҳаёт ҳажмини аниқлаш имкониятига эга бўлдилар. Суратда: аэрофотометрия экспедициясининг катта техниги В. Денисович ва Г. Лой ўртоқлар ҳарорат ва намликни ўлчайдиган махсус асбобларни кўздан кечирмоқдалар.

Б. Юсупов ва В. Дубровский фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР

## ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР САФ ТОРТДИ

Армияга чақирилувчилар кунини нишонлаш янгича анъаналаримиздан бирига айланиб қолмоқда. Бу кунда ёшлар ўзларининг балоғатга етганликлари, она-Ватан ҳимоясига тайёр эканликларини яна бир бор дилдан ҳис этадилар.

Яқинда Калинин районидаги Свердлов номли совхоз стадионига мўйлаблари эндигина сабза урган йигитлар ўзларининг ана шу анъанавий байрамларини нишонлаш учун тўпландилар.

— Совет Армияси сафига чақирилувчиларнинг бугалги байрамлари ўзгача бир тантана билан ўтмоқда. Чунки, бу йил СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллик юбилейи нишонланади. Бутун совет халқи зўр шоду хуррамлик билан тайёргарлик кўраётган бу байрамни чақирилувчилар ҳам ўзларининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларини аъло даражада бажариш билан кутиб олишлари керак, — деди йиғилишда сўзга чиққан район ҳарбий комиссари подполковник У. Султонов.

Сафда турганларнинг қадди мағрур, қадами дадил. Аксарият ёшлар маълум даражада тайёргарлик мактабини ўтаб, муайян касб-ҳунар эгаси бўлиб ҳарбий хизматга отланишяпти. Улар ДОСААФ мактабларида, турли тўгаракларда касб-ҳунар ўрганишди. Ҳарбий-техника, қурол аслаҳалар ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлдилар. Бу эса сафдагиларга ҳар қандай масъулиятли вазифани ишониб топшириш имконини беради.

Маросимда чақирилувчиларнинг ота-оналари номидан сўзга чиққан Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 34-мактаб ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Латиф Охунов, 1979 йилда Тошкент денгизчилар мактабини тамомлаб, ҳозир ҳарбий денгиз флотида йигитлик бурчини ўтаётган Кўчқор Маърифхонов, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Наби Саидовлар ана шулар ҳақида гапирдилар. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Баҳром Тожибоев ота-оналар ишончини оқлашга, Совет Армияси сафида сидқидилдан хизмат қилишга ваъда берди.

...Чақирилувчилар байрами кечгача давом этди. Тантанали маросимга спорт мусобақалари қўшилиб кетди.

А. ТИЛОВОВ.

**БИЛДИРИШ**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 16 апрель куни ўтказилади.

## Телевидение

**15 апрель**

**Пайшанба**

**МТ-I.** 9.00 — Время. 9.40 — Горнчилар қаердасиз? 10.10— Концерт. 10.40 — Қора терга ботиб. Бадиий фильм. 2-серия. 11.55 — Гимнастика. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Совет турмуш тарзи. 16.10 — Орлёнок. 17.00— Александр Фадеев. 18.15 — Гандбол бўйича СССР чемпионати. 18.35 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.00 — Футбол. Халқаро ўртоқлик учрашуви. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей. Жаҳон чемпионати. 24.00 — Дунё воқеалари.

**МТ-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.10 — Оналар мактаби. 10.05 ва 12.05 — Испан тили. 10.35 ва 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — Оммабоп фильм. 11.05 — Умумий биология 11.35 — Киножурнал. 12.40 ва 13.40 — Физика. 14.10 — Илмий-оммабоп фильм. 14.20 — География. 14.50 — Элликка—эллик. Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Ғолиблар. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Биз БАМни қуряпмиз. 21.15— Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Рафферти. Бадиий фильм. 3-серия. 22.10 — Концерт. 24.00 — Хоккей. Жаҳон чемпионати.

**ЎзТВ-I.** 11.30 — Зоология. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Зоология. 13.00 — Волейбол бўйича СССР чемпионати. 19.00 — Партия чақириғига жавобан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Гўзаллик оламида. 19.55 — Рақс оғушида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Рақс оғушида. 21.30 — Время. 22.00—Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашишнинг биологик методлари. 22.20—Юрак йўл. Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

**ЎзТВ-II.** 18.15 — Болалар учун фильм. 18.30 — Назарий механика. 19.30 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига. 21.30 — МТ-II.

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—15/IV да **Ганг дарёсининг қизи**, 16/IV да **Кузнинг биринчи куни**, 18/IV да **Шошма, қуёш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/IV да **Хотинимнинг эри**, 16/IV да **Ишонмасанг ўламан**, 17/IV да **Заҳар ичган даъвогар**, 18/IV да **Кулги кечаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IV да **Гуноҳкор авлиё**, 17/IV да **Отасининг қизи**, 18/IV да **Баланд дорга осилма.**


Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337919, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат —325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048; 325354 партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги— 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 13187. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1584.